ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

# Qishloq hayoti

2012 йил Мустаҳкам оила йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 17-IYUL, SESHANBA, 84 (8009) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## СТАТИСТИК, СОЛИҚ, МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ, ЛИЦЕНЗИЯЛАНАДИГАН ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИНИ ВА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ТУБДАН ҚИСҚАРТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қайд этиб ўтилсинки, ортиқча бюрократик ғовларни бартараф этиш, замон талабларига мос келмайдиган лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини, статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботлари шаклларини қисқартириш, уларни тақдим этиш механизмини такомиллаштириш ҳисобига республикада қулай ишбилармонлик муҳитини вужудга келтириш, бизнес субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш ва шундай субъектларнинг янада эркин фаолият юритишларини таъминлаш борасида изчил ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳар чоракда фақат битта соддалаштирилган статистик ҳисоботни тақдим этадилар, молия ҳисоботи эса йилига бир марта тақдим этилади. Тадбиркорлик субъектларининг 78 фоиздан кўпроғи солиқ ҳисоботини электрон кўринишда тақдим этмоқдалар. Сўнгги йилнинг ўзидагина 65 турдаги рухсат бериш тартиб-таомиллари бекор қилинди.

Шу билан бирга статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг мавжуд тизими катта бўлиб, тубдан соддалаштиришни ва ислоҳ қилишни талаб этади. Кўп миқдордаги лицензия талаблари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари иқтисодиётни янада либераллаштириш борасида ўтказилаётган сиёсатга ҳамда бозор иқтисодиёти тамойилларига мос келмайди, кўпинча давлат йўли билан тартибга солишнинг бошқа воситаларини такрорлайди.

Бозор иқтисодиёти талабларига, халқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқ, бюрократик ғовларни бартараф этиш, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, ҳисобот тизимини ва ҳисоботларни тақдим этиш тартибини тубдан такомиллаштириш ҳисобига ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун максимал даражада қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида:

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 17 апрелдаги Р-3829-сон фармойиши билан ташкил қилинган ҳисоботлар, лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича Ишчи гуруҳининг қуйидаги таклифига розилик берилсин:

1, 2 ва 2а, 3 ва 3а, 4 ва 4а иловаларга мувофиқ давлат статистик, молия, солиқ ҳисоботлари ҳамда бошқа ҳисобот турларини бекор қилиш ва бир-бирини такрорловчи шаклларни бирлаштириш эвазига ана шундай ҳисоботлар миқдорини, шунингдек, уларни тақдим этиш даврийлигини белгиланган муддатларда қисқартириш тўғрисида;

2012 йилнинг 1 августидан бошлаб 5-иловага мувофиқ рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомилни (уларнинг умумий миқдорига нисбатан 26 фоиз), шунингдек, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 тасини (умумий миқдорига нисбатан 20 фоиз), жумладан, уларни 6 ва 6а иловаларига мувофиқ бекор қилиш ва бирлаштириш ҳисобига бекор қилиш тўғрисида.

(Давоми 2-саҳифада)

## ЎЗ ДОНИМИЗ – ЎЗ НОНИМИЗ. У ФАРОВОНЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 21 йил

**МАМЛАКАТИМИЗ ҒАЛЛАКОРЛАРИ ВАТАНИМИЗНИНГ ЙИГИРМА БИР ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА МУНОСИБ ТУҲФА ТАЙЁРЛАШДИ: 7 МИЛЛИОН 170 МИНГ ТОННА ДОН ХИРМОНИ БУНЁД ЭТИШДИ. БУ УЛКАН ХИРМОН МАМЛАКАТИМИЗ ҒАЛЛА МУСТАҚИЛЛИГИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАБ, ЮРТДОШЛАРИМИЗНИНГ ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧИНИ ЯНАДА ОШИРДИ.**



*Бундай ютуқларимиз замирида аввало деҳқон ва фермерларимиз, механизаторларимизнинг машаққатли меҳнати ва фидойилиги, селекционер ва олимларимизнинг билим ва тажрибаси, барча қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг неча йиллар давомида ягона бир мақсад йўлида қатъият ва сафарбарлик намунасини кўрсатиб қилган хизматлари, ташаббускорлик ва изланувчанлик фазилатлари мужассам бўлиб, бунинг учун уларга ҳар қанча тасаннолар айтсак, арзийди албатта.*

**(Президентимизнинг Ўзбекистон ғаллакорларига йўллаган табригидан)**

Дон мўллиги – кўнгил хотиржамлиги. Дастурхон тўкинлиги – фаровонлик тимсоли. Тандир тўлиб нон ёпилиши – қут-барака белгиси. Ҳар куни нон иси тутган хонадонда барака бўлади-да.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари эди. Биринчи синфда ўқирдик. Мактабдан келсам, онам унхалтани қўлига олиб ўтирибди. "Магазинга ун келибди, мен бориб келай", деди. Дафтар-китобимни қўйиб, мен ҳам эргашдим. Магазинга борганимизда ун тугаган, аммо одам тумонот эди. Онамнинг кайфияти тушиб кетди. Кечқурун отам аллақаёқдан бир халта буғдой топиб келди. Эрталаб қўшни қишлоққа тегирмонга жўнади. Мактабдан қайтгунча роса ўйнадик. Ҳориб, қорним очиб уйга қайтдим. Кечки овқат ғалати бўлди. Дастурхонда нон йўқ эди... Онам "Кечгача кутдим, отанг келмади. Ўйлай-ўйлай ош қилдим. Ноннинг ўрнини босармикан, дегандим...", дедилар. Отамни кутиб, алламаҳалгача ухламай ётдим. Уйғонсам, қуёш чиқиб кетибди, отам келибди. Ҳовлида онам тандирдан нон узарди. Атрофни бирам ёқимли ҳид тутганди. Нон иси...

Ҳар гал нон ҳақида, дон ҳақида сўз кетса, ўша воқеа ёдимга тушади. Бугунги шароитда эса ёшлар наздида бу гап бир чўпчакдек туюлиши мумкин.

Истиқлол йилларида эришган энг катта ютуқларимиздан бири – ғалла мустақиллиги бўлди. Қишлоқ хўжалигидаги изчил ислоҳотлар самарасида ғалла мустақиллигига эришдик. Ҳолбуки, мустақилликнинг илк йилларида бу бир орзу эди, холос. 1991 йилда республикамиз бўйича жами 940 минг тонна ғалла етиштирилиб, ҳар гектаридан 17 центнердан ҳосил олинган. Аҳоли эҳтиёжи учун асосий буғдой хориждан валюта эвазига келтирилган. Бу йил ғаллакорларимиз 7 миллион 170 минг тонна ғалла хирмони уюшди. Ҳосилдорлик ўртача 52 центнерга етди.

(Давоми 2-саҳифада)

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 июль куни Оқсаройда Франция Республикаси мудофаа вазири Жан-Ив Ле Дрианни қабул қилди.*

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Суҳбат чоғида Ўзбекистон-Франция ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва муҳим йўналишлари муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари мамлакатларимизнинг конструктив ҳамкорлик борасидаги тажрибасини алоҳида таъкидлади ва Франция раҳбарияти билан қарор топган самарали мулоқотдан мамнунлик изҳор этди.

Ўзбекистонда Франция билан турли соҳаларда ўрнатилган ўзаро алоқалар юксак қадрланади, мазкур мамлакатга Европа қитъасидаги узоқ муддатли ва муҳим ҳамкор сифатида қаралади.

Ўзбекистон ва Франциянинг тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларидаги позиция ва ёндашувлари яқин ҳамда ўхшашлиги, фаол парламентлараро алоқалар, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг кенг имкониятлари ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш учун ишончли асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Франция мудофаа вазири Ле Дриан Президент Ислом Каримовга самимий қабул ҳамда икки томонлама муносабатлар ва халқаро сиёсатнинг муҳим масалаларини муҳокама қилиш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш масалалари юзасидан фикр алмашиш имконияти учун миннатдорлик изҳор этди. Франция ўзаро ҳамкорликнинг барча соҳаларини ривожлантириш ва кенгайтиришдан манфаатдор эканлиги таъкидланди.

Франция ҳукумати аъзоси Афғонистондаги вазиятга тўхталар экан, Ўзбекистоннинг ушбу кўп йиллик можарони ҳал қилишдаги принципиал позициясига ва мамлакатимизнинг мазкур қўшни давлатни тинчлик йўли билан тиклаш борасидаги ишларга қўшаётган салмоқли ҳиссасига юксак баҳо берди.

Мулоқот чоғида томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**ЎзА**

ЭЪТИРОФ

Андижон вилояти

## ЭЛ НАЗАРИГА ТУШИШ БАХТИ

**Республикамизда ғалла тайёрлаш бўйича жорий йил шартнома режаси ортиғи билан бажарилди. Шу муносабат билан Юртбошимиз барча ғаллакорларни улкан меҳнат ғалабаси билан самимий муборакбод этиб, табрик йўллади. Табрикда юртимизнинг энг илғор ғаллакорлари меҳнатига муносиб баҳо берилди. Ана шу юксак эътиборга сазовор бўлганлар орасида Олтинкўл туманидаги "Латифжон ери" фермер хўжалиги ҳам бор.**

33,4 гектар майдонда буғдойнинг "Таня" навини парвариш қилган фермер хўжалиги аъзолари наинки Олтинкўлда, ҳатто вилоятда ҳам энг юқори ҳосилдорликка эришдилар. Ҳар гектар ердан 85 центнердан, жами 284 тонна дон йиғиб олинди. Шартнома режаси 114 фоизга бажарилди. Қолган дон эса 66 кишидан иборат фермер хўжалиги аъзоларига мукофот тарзида тақсимлаб берилди.

Фермер Бегали Қодиров ютуғининг пойдевори шундаки, далани ёздаёқ буғдой экишга тайёрлаб қўяди. Ўтган йили ҳам шундай бўлди. Сентябрь ойининг сўнгги кунларида ҳар гектарига 400 килограммдан фосфор, 50 килограммдан калий ўғити берилиб, гектарига 250 килограммдан уруғ сепилди. Октябрь ойининг бошида биринчи сув берилди. Буғдой майсалари кўриниб, эгатлар оқаришга келмай туриб, иккинчи сув таралди. Қарабсизки, бир текис кўчат олинди.

(Давоми 3-саҳифада)

## ЯНА БИР БОР РОҒУН ГЭСИ ҚУРИЛИШИ ҲАҚИДА

**Сўнгги бир неча йил давомида кенг халқаро жамоатчилик, нуфузли экологик ташкилотлар вакиллари, кўпчилик мамлакатларнинг сув хўжалиги қурилиши соҳасида тадқиқотлар билан шуғулланадиган илмий-тадқиқот марказлари мутахассисларининг эътибори Тожикистоннинг Амударёнинг юқори қисмида қуввати 3600 МВтга тенг Роғун ГЭСи иншоотлари комплексини қуриш лойиҳасини қайта жонлантиришга доир қайсарона хатти-ҳаракатлари муҳокамасига қаратилмоқда.**

Аввал бир неча марта таъкидланганидек, Роғун ГЭСини қуриш лойиҳаси кенг кўламли жиддий технологик, ижтимоий, экологик ва ижтимоий-иқтисодий таҳдид ҳамда хавфларни келтириб чиқаради. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши нуфузли халқаро ташкилотлар ва мутахассислар, шунингдек, Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган мамлакатларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Бу, аввало, қуйидаги асосий омиллар билан боғлиқ. Биринчи навбатда, Роғун ГЭСи қурилишининг ҳар жиҳатдан хавфсиз гидроиншоотлар қурилишини таъминлаш бўйича ҳозирги замон талабларига мутлақо мос келмайдиган эски стандартлар, қурилиш норма ва қоидалари бўйича 35-40 йил муқаддам, совет даврига хос гигантоманияга интилишга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган техник-лойиҳа ечимларининг бугунги талабларга мутлақо жавоб бермаслиги билан изоҳланади. Буни нуфузли мутахассислар ва экспертлар ҳам бир неча бор таъкидлаган.

Сўнгги ўн йилда йирик ГЭСлар барпо этган қурувчилар (Хитой Халқ Республикасидаги "Уч дара", Россия Федерациясидаги Саяно-Шушенск ва Богучанск ГЭСлари, Жанубий Америкадаги йирик ГЭСлар ва бошқалар) тўқнаш келган кенг кўламли муаммо ва ҳалокатлар бугунги кунда бундай гидроиншоотларга қўйилаётган стандарт ҳамда талаблар мутлақо ўзгаргани, бунинг натижасида кўп ҳолларда бундай иншоотларни қуриш масаласини қайта кўриб чиқиш, тўхтатиш ва, ҳаттоки, улардан воз кечишга сабаб бўлди.

Бундан ташқари, совет даври мутахассислари Роғун ГЭСини лойиҳалаштириш давр928даёқ ҳал этилмай қолган қатор муаммоли масалалар юзасидан зарур техник ечимларни топа олмаган эдилар. Жумладан, катта миқдордаги сувнинг тўғон остида қоладиган йирик туз қатламига (қалинлиги 100 метрдан зиёд) муқаррар сингиши (фильтрация) ва унинг мазкур қатламга таъсирини бартараф этиш чоралари ҳал этилмаган, шунингдек, қурилиш олиб борилаётган ҳудуддаги тоғ жинслари массасининг тез-тез такрорланиб турадиган хавфли силжишлари ҳисобга олинмаган. Ўтган вақт мобайнида ушбу муаммолар янада мураккаблашди. 1993 йилда Роғун ГЭСидаги вақтинчалик кўтарма тўғонда содир бўлган авария ва мазкур иншоотнинг бутунлай вайрон бўлиши, шунингдек, кейинчалик юз берган бошқа бир қатор авариялар ҳам буни тасдиқлайди.

Иккинчидан, лойиҳада жаҳон амалиётида мисли кўрилмаган, баландлиги 335 метрлик тўғонни барпо этиш кўзда тутилган. Иншоотни бир неча марта Рихтер шкаласи бўйича 9-10 баллни ташкил қилган зилзилалар содир бўлган тоғли жойда қуриш таклиф этилмоқда.

Роғун ГЭСи қурилиши олиб борилаётган майдон Жанубий Тянь-Шань ва Ҳисор-Қоқшол минтақавий ёриғи тизимининг бир қисми ҳисобланган Вахш тектоник ёриғидаги нисбатан янги пайдо бўлган тоғ массивлари яқинида жойлашган. Ушбу зоналар Марказий Осиёдаги энг фаол сейсмик ҳудудлар бўлиб, у ерда 10 баллгача бўлган зилзилалар мунтазам такрорланиб туради. Тожикистонда ўтган асрнинг биринчи ярмида рўй берган бундай зилзилалар 100 мингдан ортиқ одамнинг ҳаётига зомин бўлган. Мисол учун, 1911 йилда содир бўлган ер силкинишини эсга олайлик. Ўшанда 9 баллдан ортиқ зилзила Усой уюми ва 20 миллиард куб метр сув сиғимига эга Сарез кўлининг ҳосил бўлишига олиб келди.

Айни пайтда ушбу ҳудудларда сейсмик фаоллик даражаси янада ошмоқда. АҚШ геология хизматининг маълумотларига кўра, Роғун ГЭСи қурилаётган майдон жойлашган Помир-Ҳиндиқуш тоғ тизмасида бугунги кунда ҳафтасига саккиз мартагача зилзила қайд этилмоқда. Тожикистонда ўртача ҳар тўрт йилда кучли, ҳар 10-15 йилда эса ҳалокатли зилзилалар рўй бермоқда. Кўплаб экспертлар маълумотларни таҳлил қилиш асосида кейинги 10 йил мобайнида ушбу тоғ массивида кучли ҳалокатли зилзилалар юз беришини тахмин қилмоқда. Буни, шу жумладан, тожикистонлик сейсмолог олимларнинг тадқиқотлари ҳам тасдиқлайди.

Айни пайтда, бундай катта дамбани қуриш учун 80 миллион куб метр тупроқни кўчириш ва ётқизиш ишларини бажариш талаб этилади. Бунинг натижасида сув омборида 14 миллиард тонна сув тўпланади ва тоғ массивига қўшимча босим ҳосил қилади. Бу эса, шубҳасиз, минтақанинг сейсмик жиҳатдан заифлигини оширади ва шуни ишонч билан айтиш мумкинки, Роғун ГЭСи қурилиши натижасида ушбу ҳудудда зилзилалар такрорланиши янада кучаяди.

Зилзила ёки техноген омиллар натижасида бундай тўғоннинг бузилиши қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Олимлар ва муҳандисларнинг фикрича, бундай ҳолда сув омборида тўпланган 14 куб километр сув ҳосил қиладиган кучли динамик босим катта (соатига қарийб 500 километр) тезлик билан Вахш дарёси оқими бўйлаб қуйига 100 метр баландликдаги шиддатли тўлқиннинг, таъбир жоиз бўлса, "ясама цунами"нинг юзага келишига сабаб бўлади. Бунинг натижасида Нурек ГЭСи тўғони, Вахш каскадидаги бошқа барча ГЭСлар ва гидроузеллар бутунлай вайрон бўлади, Нурек, Сарбон, Қўрғонтепа ҳамда Румий шаҳарлари бутунлай сув остида қолади. Боз устига, ушбу тўлқин ҳалокатли ҳаракатини давом эттириб, Тожикистон, Ўзбекистон ва Туркманистондаги бошқа ўнлаб шаҳарлар ва қишлоқларни супуриб кетади ва сувга ғарқ қилади, мислсиз фожиали оқибатларни юзага келтиради, юз минглаб одамлар ҳаётига зомин бўлади.

Учинчидан, Роғун ГЭСи лойиҳаси Марказий Осиё мамлакатлари атроф-муҳити ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларига узоқ йиллар ўнглаб бўлмайдиган даражада катта хавф солади.

Катта гидроиншоот қурилиши минтақадаги заиф экологик мувозанатга путур етказади, сув хўжалиги ва экологик вазиятга ҳалокатли таъсир кўрсатади. 14 куб километр ҳажмдаги сув резервуарини ҳосил қилиш камида 8-10 йил давомида Вахш дарёси оқимини кескин чеклашни талаб қилади. Бу эса минтақада сув оқимидан кўп йиллар самарали фойдаланиш ва уни бошқариш жараёнини бутунлай издан чиқаради, ҳатто, шусиз ҳам танқислиги ортиб бораётган сув ресурсларининг ҳалокатли даражада камайиб кетишига олиб келади.

Станциянинг барпо этилиши оқибатида табиий сув оқими тизими бутунлай издан чиқиб, вегетация мавсумида сув ҳажми кескин камаяди, куз-қиш даврида эса уни ўтказиш ҳажми ва сарфи ошади. Бу Амударё қуйи оқимида жойлашган мамлакатларда ёзда сувнинг кескин камайишига, кучли қурғоқчиликка, шунингдек, қишда ҳалокатли тошқинларга сабаб бўлади.

Амударё оқими гидрологик режимининг ўзгариши натижасида ўзанлардаги йўқотишлар ҳам ортади. Ҳозир ҳам сув танқис мавсумларда бундай йўқотишлар 15 фоизгача етмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

# ФАРМОНИ

## СТАТИСТИК, СОЛИҚ, МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ, ЛИЦЕНЗИЯЛАНАДИГАН ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИНИ ВА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ТУБДАН ҚИСҚАРТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Боши 1-саҳифада)**

**2.** Белгилансинки, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб:

7-иловага мувофиқ рўйхат бўйича фаолият турларини амалга ошириш учун лицензиялар амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилади. Бунда мазкур фаолият турларини амалга ошириш учун аввал берилган лицензияларнинг амал қилиш муддатлари чекланмаган, деб ҳисобланади;

тадбиркорлик субъектлари томонидан илгари кўрсатилган камчиликларни бартараф этган ҳолда аризалар такроран тақдим этилган тақдирда янги асослар бўйича лицензия ва рухсатномалар беришдан бош тортиш тақиқланади.

**3.** Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2013 йил 1 январдан бошлаб:

барча солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ойма-ой солиқ ҳисоботини тақдим этиш бекор қилинади, қўшимча фойда солиғи бундан мустасно;

микрофирмалар йиллик статистик ҳисобот тақдим этадилар, бунда статистика органлари ҳар чоракда тегишли фаолият йўналишлари ва соҳалари бўйича танланма ўрганишлар ўтказади.

**4.** Тадбиркорлик фолияти соҳасида лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари меъёрларига оғишмай риоя этилиши учун шахсан жавобгар бўлишлари тўғрисида лицензиялар ҳамда рухсатнома характеридаги ҳужжатлар бериш бўйича ваколатли органларнинг раҳбарлари қаттиқ огоҳлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси ҳисоботларни тақдим этиш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга ошириш масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг сўзсиз риоя этишлари устидан мунтазам назоратни ўрнатсинлар ҳамда бюрократик ғовларни бартараф этиш ва ўрнатилган қонунчилик бузилишининг олдини олиш бўйича таъсирчан чораларни кўрсинлар.

**5.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки ой муддатда тадбиркорлик субъектлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар ва рухсатнома характеридаги ҳужжатларни олишга тўланадиган йиғимларнинг миқдорларини танқидий қайта кўриб чиқсин ҳамда уларнинг камида икки баробар арзонлаштирилиши бўйича қарорлар қабул қилсин;

2014 йилнинг охирига қадар барча тадбиркорлик субъектлари статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига тўла ҳажмда босқичма-босқич ўтказилишини, шунингдек, 2012-2016 йиллар мобайнида ариза берувчиларга аризаларнинг ўтиш жараёнини интерактив кузатиш имкониятини яратган ҳолда лицензия ва рухсатномаларни олиш учун интернет тармоғи орқали аризаларни беришнинг электрон шакллари жорий этилишини таъминласин.

**6.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда интернет тармоғида ягона веб-сайт яратиб, унга лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари рўйхатини, лицензия ва рухсатномалар олиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, тегишли фаолият турларини амалга ошириш учун лицензия ва рухсатномалар олган тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги доимо янгиланиб турадиган маълумотларни жойлаштирсинлар.

**7.** Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Савдо-саноат палатаси бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Тошкент шаҳри ва республика минтақаларида маълумотларни электрон тарзда йиғиш ва ишлов бериш имкониятларидан фойдаланган ҳолда статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни янада қисқартириш борасида кўриладиган чора-тадбирлар тушунтириб бериладиган семинарларни ўтказсинлар.

**8.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда сақлаб қолинаётган ҳисобот турларининг таркиби ва мазмунини илғор хорижий тажриба ва халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда танқидий қайта кўриб чиқсинлар, шунингдек, ўзларининг идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини мазкур Фармонга мувофиқлаштирсинлар.

**9.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари бир ой муддатда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатига ушбу Фармондан келиб чиқадиган тегишли ўзгартишларни белгиланган тартибда киритсинлар.

**10.** Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2012 йил 16 июль*

# ЎЗ ДОНИМИЗ – ЎЗ НОНИМИЗ. У ФАРОВОНЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Ғалла мустақиллиги янада мустаҳкамланди. Истиқлол йилларида ғалла етиштириш етти баробардан ортиқ кўпайди. Энг муҳими, бугун ғаллани экспорт қилиш даражасига етдик. Бу ризқимиз бутунлигидан нишона.

Дунёда аҳолининг ўсиб бориши, саноатнинг ривожланиши каби омиллар боис, озиқ-овқатга талаб ошиб бораётир. Шундай мураккаб вазиятда мамлакатимизда ғаллачилик соҳасида эришилаётган ютуқлар барчамизнинг кўнглимизга қувонч ва ифтихор бағишлайди.



7 миллион 170 минг тонналик ғалла хирмони. Бу хирмонда, ҳар кун туйғанимиз нон исида, дастурхонимизни безаб турган нонда – эришилган ютуқларда, аввало, деҳқоннинг – ғаллакорнинг меҳнати, фидойилиги намоён. Ҳазрат Навоий таъриф этганидек;

*Деҳқонки дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар.*

Ахир, деҳқон учун осон келган, ўз-ўзидан ҳосил битган йилнинг ўзи бўлмаган. Ҳосил ортида машаққатли меҳнат, тажрибаю омилкорлик борлигини барчамиз ҳар дам ҳис этиб туришимиз даркор. Бу йил серёғин келди. Намлик даражаси ошиб кетди. Бу эса майсаларнинг чириб кетиши хавфини пайдо қилди. Унинг олдини олиш мақсадида ғалла кўчатлари маҳаллий ўғит билан озиқлантирилишига алоҳида эътибор қаратилди. Намлик ошиши турли касаллик ва зараркунандаларнинг кўпайишига ҳам шароит туғдирди. Уларга қарши бирдамликда курашилди, парваришда огоҳлик, ташаббускорлик билан меҳнат қилинди. Мана шу омиллар ғалла ривожини тезлаштириб, бугунги натижага эришишга имкон яратди.

Улкан ғалла хирмонига, айниқса, Андижон, Бухоро, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятлари ғаллакорлари муносиб улуш қўшдилар. Улар ғалла майдонларининг ҳар гектаридан 54-62,2 центнердан ошириб дон ўриб-янчиб олишди. Бу кўрсаткич Олтинкўл, Пахтаобод, Избоскан, Вобкент, Пешку, Ғиждувон, Косон, Нишон, Касби, Учқўрғон, Иштихон, Пастдарғом, Олтиариқ, Қува, Денов, Пискент, Оққўрғон, Дўстлик, Хатирчи, Боёвут туманларида 60-68 центнердан юқори бўлганлиги эса ниҳоятда қувончлидир.

Ютуқлар ҳақида сўз юритар эканмиз, ҳақли равишда уларни фермерлик ҳаракати билан, фермер билан боғлаймиз. Фермерларимизнинг илм-фанни амалиётга пайваста этиб, изланиш ва ташаббускорлик билан қилган меҳнатлари ҳосилдорлик ошишида намоён бўлмоқда. Биргина мисол, Пахтачи туманидаги "Хушанов даласи", Олтиариқ туманидаги "Сожида Жўраева" фермер хўжаликларида ўртача ҳосилдорлик 97 центнерга етди. Вобкент туманидаги "Янгикент жилоси", Иштихон туманидаги "Жаф" фермер хўжаликлари 87 центнердан, Олтинкўл туманидаги "Латифжон ери", Денов туманидаги "Мавлуда Исмоилова" фермер хўжаликларида 85 центнердан, Бухоро туманидаги "Аброр Ғайбулла" фермер хўжалигида 81 центнердан, Қуйи Чирчиқ туманидаги "Акбархон Баҳодирхон" фермер хўжалигида 80 центнердан ҳосил йиғиб олинди.

Шу ўринда фермерларга яратилаётган шароит, уларга кўрсатилаётган ғамхўрликни эътироф этиш жоиз. Фермерлик ҳаракати йўлидаги имтиёзлар, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, эртапишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, серҳосил ғалла навларини яратиш, навларни ҳар бир ҳудуд шароитига мослаб жойлаштириш борасида ишлар ўз самарасини бермоқда. Агротехника жараёнида ёнилғи-мойлаш материаллари, ўғитларни жойларга етказиб бериш борасидаги саъй-ҳаракатлар фермерларимизни янада шижоат билан меҳнат қилишга ундамоқда. Уларни янги марраларга чорламоқда. Хусусан, бу йилги ҳосилнинг мўл бўлиши, уларнинг манфаатдорлигини янада оширди. Юртимизда етиштирилган жами ҳосилнинг 60 фоиздан кўпроғи фермер хўжаликлари ва аҳоли ихтиёрида қолдирилгани ҳам фикримизнинг исботидир. Бу деҳқоннинг омбори донга тўлганининг белгиси. Шунингдек, қишлоқ аҳлининг турмуши янада фаровонлашиши ифодаси.



Шоир айтганидек,

*Замона ҳикмати, фикр гавҳари:*
*"Асл эгасига мулк ила ер бер.*
*Ўзи тўқу обод бўлгани сари*
*Юртини ҳам обод айлагай фермер".*

Халқимиз нонни улуғ неъмат деб билади. Донни азиз тутади. Унинг увол бўлишининг олдини олади. Бу ривоятларимизда ҳам ўз аксини топган.

Бир киши қўшнисининг олдига дон қарз сўраб борибди. У томда ғалла совураётган экан. Шунда бир дона буғдой юмалаб ерга тушибди. Буни кўрган қўшни пастга тушиб, бояги буғдой донасини топиб, хирмонга қўшибди. Кузатиб турган киши қарз сўрагани юраги чопмай, ортга қайта бошлабди. Шунда қўшни уни тўхтатиб, мақсадини билгач, бир халта буғдой берибди. Бундан ажабланган киши "бир дона дон учун томдан тушдингу, менга бир халта буғдойни бериб юборяпсан" дея сўрабди. Шунда қўшни "улкан хирмоннинг баракасини бир дона буғдой белгилайди-да" деган экан.

Ғаллакорларимиз етиштирган ҳар бошоқдаги донни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишга қаратилган чора-тадбирларда ана шу ҳикмат мазмуни акс этди. Бу йилги ўрим-йиғим мавсумига кўрилган пухта тараддуд натижасида 1 миллион 340,5 минг гектар ердаги буғдой қисқа фурсатда саранжомлаб олинди. Бунда 3300 дан ортиқ замонавий комбайнлардан унумли фойдаланилди. Ғалладан бўшаган майдонлар эса сомондан тозаланиб, пешма-пеш шудгорланмоқда. Бу билан келгуси йил ҳосилига тамал қўйилаётир.

Яратилган улкан хирмон ризқимиз бутунлиги, кўнгил тўқлиги, дастурхон тўкинлигидан далолат. Ўз донимиз – ўз нонимиз – фаровонлигимиз тимсоли.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

*Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.*

# ЯНА БИР БОР РОҒУН ГЭСИ ҚУРИЛИШИ ҲАҚИДА

**(Боши 1-саҳифада)**

Гидрологик режимнинг ўзгариши оқибатида Амударё қуйи қисмидаги кўллар ва ветландларнинг қуриш жараёни бир неча марта тезлашади, янги шўрхок ва тақир ерлар пайдо бўлади. Оқибатда у қишлоқ хўжалик экинлари етиштириладиган майдонларни туз бўронлари билан зарарлайдиган аёвсиз манбага айланади, тупроқ унумдорлиги ҳамда ҳосилдорлик кескин пасайиб кетади. Бунинг оқибатида дунё миқёсидаги экологик муаммо ҳисобланган Орол денгизи ҳалокати янада мураккаблашади.

Шу тариқа, Ўзбекистон ва Туркманистон ишлаб чиқаришининг иқтисодий асоси бузилади ҳамда ушбу мамлакатларнинг Амударё қуйи оқимларидаги воҳаларда яшаётган 10 миллиондан ортиқ аҳолиси турмуш тарзи батамом издан чиқади, одамлар қурғоқчилик ва очликка маҳкум бўлиб, алал оқибат бошқа жойларга кўчишга мажбур бўлади.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, Роғун ГЭСи қурилиши оқибатида Амударё қуйи қисмида жойлашган мамлакатлар, хусусан, Ўзбекистоннинг бевосита иқтисодий йўқотишлари 20 миллиард доллардан ошади. Бу зарарни қоплашни ҳеч ким зиммасига олмоқчи эмас. Ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайдиган сув ресурслари тақчиллиги шароитида миллионлаб одамларнинг мажбуран кўчиши билан боғлиқ кўплаб қўшимча иқтисодий ва ижтимоий муаммолар пайдо бўлади, минтақада ижтимоий беқарорлик кескинлашади.

Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши оқибатида юзага келадиган иқтисодий зарарни ҳисоблаб чиқиш мушкул, қолаверса, миллионлаб одамлар чекадиган азоб-уқубат ва бахтсизлик кўламини қайси валюта ва қандай рақамлар билан ўлчаб бўлади? Турган гапки, бундай тўғоннинг қурилиши нафақат техник стандартлар ва иқтисодий мантиққа, балки соғлом ақлга ҳам зиддир.

Роғун ГЭСи қурилиши оқибатида юзага келадиган айнан мана шу таҳдидлар халқаро жамоатчиликни, БМТ, Катта тўғонлар бўйича халқаро комиссия, Бутунжаҳон сув кенгаши, Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқи каби кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар, Европарламент, АҚШ, Бельгия ҳамда бошқа давлатлар парламентлари аъзолари, Япония, АҚШ, Голландия, Корея Республикаси ва бошқа мамлакатлар илмий-тадқиқот марказларини ҳақли равишда ташвишга солмоқда. Сўнгги бир неча йил мобайнида турли даражада БМТнинг нуфузли тузилмаларида, халқаро илмий-амалий форумлар ва конференцияларда мазкур лойиҳа билан боғлиқ муаммоларнинг кенг кўламда муҳокама этилиши натижасида халқаро ҳамжамиятда ушбу лойиҳани чуқур, синчковлик билан холис мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги тўғрисида принципиал позиция шаклланди.

Таъкидлаш лозимки, мустақил экспертларнинг фикр-мулоҳазалари трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланиш соҳасида қабул қилинган халқаро ҳуқуқ нормаларига тўлиқ мос келади. Бу масалалар бўйича БМТнинг қатор конвенциялари (1992 йил 18 сентябрда қабул қилинган Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги конвенция, 1997 йил 21 майда Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган Халқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция) қабул қилинган. Мазкур халқаро ҳужжатларда амалга оширилиши трансчегаравий таъсир билан боғлиқ лойиҳаларни ишлаб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинишидан олдин трансчегаравий сув объектлари ҳудудида жойлашган барча томонлар манфаатларини албатта ҳисобга олиш зарурлиги ҳақидаги талаблар қатъий белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, 1997 йилда кучга кирган Трансчегаравий нуқтаи назардан атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисидаги конвенцияда бундай объектлар қурилишининг экологик оқибатларини тўлиқ ҳисобга олиш ва манфаатдор барча томонларни жалб этган ҳолда, таъсирни ҳар тарафлама баҳолаш кўзда тутилган.

**Жаҳон банки ушбу халқаро ташкилотлар ва тузилмалар фикрларини эътиборга олиб ва халқаро ҳуқуқ нормаларидан келиб чиққан ҳолда, 2010 йилда Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳасини халқаро мустақил экспертизадан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди ҳамда уни амалга ошириш учун 20 миллион доллар ажратди. Европанинг Франция, Швейцария ва бошқа мамлакатларидан қатор фирмалар ушбу лойиҳани амалга оширмоқда ҳамда экспертизани 2013 йилнинг биринчи чорагида якунлаши кутилмоқда.**

Ўз навбатида, **Тожикистон ҳукумати 2010 йилда мазкур лойиҳа амалга оширилиши оқибатларини мустақил техник-иқтисодий ҳамда ижтимоий-экологик баҳолаш ишлари якунланмагунича ГЭС ҳудудида қурилиш ишларини олиб бормаслик мажбуриятини ўз зиммасига олган. Айни пайтда, Тожикистон Халқаро валюта жамғармасининг Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳасини молиялаштириш учун мамлакат аҳолисидан мажбурий равишда пул йиғиш кампаниясини тўхтатиш талабини қабул қилган.**

Бироқ, минг афсуски, бугунги кунда **Тожикистон томони** Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси олдидаги мажбуриятлари билан ҳисоблашмай, **Роғун ГЭСида қурилиш ишларини олиб бормаслик тўғрисида эришилган келишувларни ўзбошимчалик билан қўпол равишда бузиб, "ҳавойи ғоя"ларини зўр бериб амалга оширишга ҳаракат қилаётганини** таъкидлашга тўғри келади.

Кўплаб фактлар Тожикистон халқаро ҳамжамиятдан пинҳон тутган ҳолда, станция ҳудудида ўтган асрнинг 70-йилларида бошланган кенг кўламли қурилиш ишларини ёпиқ режимда давом эттираётганидан далолат беради. **Айни пайтда станция майдонида, сув ташлайдиган тунеллар қурилишида, машина зали, карьерлар ва станциянинг бошқа объектларида катта ҳажмдаги қурилиш ишларини олиб бормоқда.**

Шу билан бир қаторда, Тожикистон ҳукумат тузилмалари томонидан Роғун ГЭСи иншоотларини лойиҳалаштириш ишларига хорижий (Россия, Украина ва бошқа мамлакатлардан) пудрат ташкилотлари фаол жалб этилмоқда. Бир пайтнинг ўзида Тожикистон томони станциянинг биринчи навбатини ишга тушириш учун зарур бўладиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва материалларни етказиб бериш бўйича шартномалар тузмоқда. **Жумладан, биринчи энергия блоки учун сотиб олинган, тайёрланган ускуналар аллақачон станция майдонига келтириб қўйилган, иккинчи энергия блокининг ускуналарини тайёрлаш якунланмоқда ва уларни келтириш чоралари кўрилмоқда.**

Кейинги бир неча йил давомида Тожикистон катта миқдорда бюджет маблағларини ажратиш (ҳар йили 200 миллион доллардан зиёд) билан бир қаторда, Халқаро валюта жамғармаси олдидаги мажбуриятларини бузиб, аксарият Тожикистон фуқароларининг молиявий аҳволи оғирлигига қарамай, сўнгги пайтда Роғун ГЭСи акцияларини аҳолига мажбурлаб сотиш ишларини яна фаоллаштирди.

**Ушбу барча хатти-ҳаракатлар яқинда "Ким Роғун лойиҳасига қарши бўлса – тожик халқининг душманидир" деб баёнот берган Тожикистон раҳбариятининг кучли тазйиқи остида амалга оширилмоқда.**

Табиий савол туғилади: Тожикистон Роғун ГЭСи комплексини қуриш борасида амалга ошираётган бундай ҳаракатлардан қандай мақсадни кўзлаяпти, нима учун кўплаб ҳақли эътирозларни назар-писанд қилмай, халқаро ҳуқуқ нормаларини қўпол равишда бузган ҳолда, станциянинг биринчи навбати қурилишини шошилинч якунлашга уринмоқда?

**Жавоб аниқ – Тожикистон раҳбариятининг бундан кўзлаган мақсади станциянинг биринчи навбати қурилишини якунлаш ва шу тариқа Жаҳон банки ҳамда бутун халқаро ҳамжамиятни иложсиз аҳволда қолдириб, экспертлар ҳамжамияти ва халқаро тузилмалар кескин қарши чиқаётган мазкур лойиҳани "қонунийлаштириш"дан иборатдир.**

**Ҳақиқий вазиятни бузиб кўрсатиш, чалғитиш, амалга оширилаётган ишларни жаҳон жамоатчилигидан бекитиш йўли билан Тожикистон томони вақтдан ютишга ва бошланган ишларни гўёки якунига етказиш орқали халқаро экспертларни Роғун ГЭСи қурилиши билан ноилождан муроса қилишга мажбурламоқчи.**

Шу билан бир пайтда Тожикистон томони ўз назорати остидаги оммавий ахборот воситалари ва "ёлланма экспертлар" ёрдамида мамлакат аҳолисини Роғун ГЭСи қурилишининг муқобили йўқлигига ишонтириш мақсадида реал фактлар, халқаро экспертларнинг кўплаб далил-исботларини бутунлай бузиб кўрсатиб, рақамлардан ўз ҳийла-найрангларини асослашда фойдаланган ҳолда масъулиятсизлик билан ташвиқот олиб боришга уринмоқда.

Улар бу билан ушбу лойиҳа келтириб чиқарадиган ҳалокатли таҳдид ва хавф-хатарлар билан ҳисоблашмай, ўз мақсадлари йўлида ҳақиқий аҳволни бузиб кўрсатиб, мумкин ва мумкин бўлмаган барча воситаларни ишга солган ҳолда Роғун ГЭСини қуришга ҳаракат қилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, кўпчилик халқаро экспертлар ва Тожикистонга қўшни – Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган мамлакатлар Тожикистонни кам маблағ сарфлаган ҳолда, қисқа муддат ичида электр энергияси билан ишончли таъминлаш муаммосини ҳал этишга ёрдам берадиган, Тожикистон учун ҳам, унга қўшни давлатлар учун ҳам техноген, экологик ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятга эга катта хавфларни келтириб чиқармайдиган оқилона, муқобил йўлни – қатор кичик ГЭСлар қуриш таклифини билдирмоқда. Зеро, ушбу муқобил вариантни кўриб чиқиш Жаҳон банки томонидан амалга оширилаётган ишларнинг муҳим йўналишларидан биридир.

Юқорида баён этилган фикрлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

**Биринчидан.** Тожикистон томони халқаро экспертлар ва мутахассисларнинг кўплаб огоҳлантиришлари ҳамда тавсияларига беписандлик билан қараб, Жаҳон банки томонидан ўтказилаётган халқаро экспертиза якунига етмай туриб, барча қурилиш ишларини тўхтатиб туриш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни қўпол равишда бузган ҳолда Роғун ГЭСи қурилишини давом эттираётгани билан мутлақо келишиб бўлмайди.

**Иккинчидан.** Бугунги кунда Тожикистон томони халқаро жамоатчилик ҳамда Амударё оқимининг қуйи қисмида жойлашган мамлакатлардан пинҳона амалга ошираётган сиёсат – Роғун ГЭСи комплекси қурилишининг давом эттирилиши олдиндан айтиб ва кейинчалик ўнглаб бўлмайдиган ўта оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Табиийки, буни инобатга олмаслик мумкин эмас.

# ТАДБИРКОРЛАРГА ҒАМХЎРЛИК ВА БАНК ТИЗИМИГА ИШОНЧ УЙҒУНЛИГИ

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА МАМЛАКАТИМИЗДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯРАТИШ ЮЗАСИДАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА ТАДБИРКОРЛАРНИ ҲАР ТАРАФЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА УЛАРГА ҒАМХЎРЛИК КЎРСАТИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МЕХАНИЗМ ШАКЛЛАНТИРИЛДИ.**

Банк-молия соҳаси ушбу механизмнинг таянч бўғини сифатида бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни вақтда, мамлакатимиз банк тизими молиявий хизмат кўрсатиш соҳасида самарали фаолиятни амалга ошириш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган ривожланиш йўлидан собитқадамлик билан бораётганлигини қайд этиш жоиз.

Сўнгги икки йилдан буён нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг "барқарор" рейтинг даражасига эга бўлиб келаётган Ўзбекистон банк тизими бугунги кунда халқаро мезонларга мос тарзда фаолият олиб бориб, мижозларга замонавий банк хизматларини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги "2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади" маърузасида таъкидлаганидек, 2011 йилда банклардаги депозитларга 2010 йилдагига нисбатан 36,3 фоиз кўп маблағ жалб қилингани, жумладан, аҳоли депозитлари 38,8 фоизга ошгани эътиборлидир.

Мамлакатимиз тижорат банкларининг инвестициявий фаоллиги ортмоқда. Тижорат банклари қўйилмаларининг 75 фоиздан ортиғини уч йилдан зиёд бўлган узоқ муддатли инвестиция кредитлари ташкил этаётгани бунинг яққол далилидир. Умуман, сўнгги ўн йилда банкларимиз томонидан иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш 7 баробар ошганини алоҳида қайд этиш лозим.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази жамият ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шу асосда уни тўғри шакллантиришга йўналтирилган таклифлар ишлаб чиқиш юзасидан тадқиқотлар олиб бормоқда. Шу жумладан, мамлакатимиз банк тизими фаолияти юзасидан жамоатчилик фикрини ўрганиб бориш ҳам Марказ тадқиқотларидан алоҳида ўрин олган.

Илгарироқ матбуотда омма эътиборига ҳавола этилган 2011 йил якунлари асосидаги социологик сўров натижалари орқали кенг жамоатчиликка бу борада муҳим ахборот берилган эди. Навбатдаги тадқиқот 2012 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари юзасидан амалга оширилди. Ушбу социологик сўров «Оилавий бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда банк тизимининг ўрни ҳамда ҳудудларда аҳоли ва ишбилармон доира вакилларининг банк тизимига бўлган ишончи ҳақида жамоатчилик фикри» мавзусида юртимизнинг барча ҳудудларида ўтказилди.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг мазкур сўровида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ўз ишини бошлаётган, жумладан, оилавий бизнесни ташкил этаётган, мамлакатимизнинг қишлоқ жойлари ва чекка ҳудудларида яшовчи аҳоли вакиллари қамраб олинди. Респондентларни танлаш жараёнида тадбиркорлик соҳасининг барча тоифалари (оилавий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик корхона ва микрофирмалар)га алоҳида эътибор қаратилди.

Сўров натижалари мамлакатимизда оқилона ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши натижасида банк тизими давлат ва жамият ҳаётидан мустаҳкам ўрин эгаллаганини яна бир бор тасдиқлади. Энг муҳими, банклар бугунги кунда мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган давлат дастурларининг амалга оширилишида фаол иштирок этаётганлиги ҳамда тижорат асосида фаолият юритиб, маблағлар самарадорлигини таъминлашга асосий эътиборни қаратаётганлиги кўпчилик томонидан эътироф этилди.

Халқимиз орасида яхши кунларга атаб жамғарма йиғиш кенг ёйилган. Бугунги кунда бу борадаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатимиз банклари томонидан аҳоли учун қулай ва жозибадор бўлган миллий ва чет эл валютасидаги кўплаб омонат турлари таклиф этилмоқда. Банк тизимининг аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш бўйича олиб бораётган бундай ишларига сўралганларнинг кўпчилиги (96,1 фоизи) юқори баҳо берди.

Аҳолининг омонатга пул қўйишида ҳал қилувчи омиллар сифатида "банкка бўлган ишонч" (94,3 фоиз) ва "юқори даражада хизмат кўрсатиш" (91,7 фоиз) қайд этилди. Бу масалада давлатнинг ўрни ҳам сўров натижаларида яққол кўринди.

Тижорат банкларида сақланаётган омонатлар тўлиқ давлат томонидан кафолатлангани аксарият жавобларда алоҳида кўрсатиб ўтилди. Аҳолининг асосий қисми бўш пул маблағларини банкка омонатга қўйишни маъқул кўришини билдирди.

Банклар томонидан юридик ва жисмоний шахсларга молиявий хизмат кўрсатиш ишларидан респондентларнинг катта қисми (95,6 фоизи) мамнунлигини таъкидлади, шунингдек, тўловларни амалга оширишда муаммолар йўқлиги, жорий этилган электрон тўлов тизимининг қулайликлари ҳақида ижобий фикрлар баён қилинди.

Сўров натижаларига кўра банк пластик карточкалари аҳолига тобора маъқул келаётганлиги маълум бўлди. Жавобларда пластик карточкалардан фойдаланиш қулайлиги ҳамда ҳар қандай тўловни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги, шу билан бирга пластик карточкалардан фойдаланиш янада самарали бўлиши учун тўлов терминалларини кўпайтириш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Респондентлар мамлакатимиз банк тизимида тўловларни амалга оширишда мижозларга қулайликлар яратилаётгани, айниқса, замонавий телекоммуникация воситаларининг тобора кенг жорий этилаётгани ҳақида ҳам алоҳида фикр билдирдилар. Банкомат, инфокиоск ва бошқа ўз-ўзига хизмат кўрсатиш қурилмалари тармоғи фаолиятига ижобий муносабат билдирилиб, уларнинг қулайлиги, тўловлар ва операциялар бир зумда бажарилиши мамнунлик билан қайд қилинди.

Банк операцияларини масофадан бошқариш хизматлари – интернет-банкинг, смс-банкинг, мобил-банкинг хизматлари ҳақида ўз муносабатини билдирган респондентлар ушбу қулайликлар пул маблағларини тезкор тарзда бошқариш ва вақтни тежаш имконини беришини, банкларга ортиқча қатнашга эҳтиёж йўқлигидан мамнун эканликларини ҳамда бундай қулай хизмат турларини янада кенгайтириш зарурлигини қайд этиб ўтдилар.

Сўров натижасида жойларда мамлакатимиз тижорат банкларининг хизмат кўрсатиш кўлами ва даражаси ҳақида зарур маълумотлар олинди. Натижада "Микрокредитбанк", "Агробанк", "Халқ банки", "Ўзсаноатқурилишбанк", "Миллий банк", "Асакабанк" каби банклар тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш соҳасида кенг фаолият юритаётган етакчи тижорат банклари сифатида эътироф этилди.

Банкларнинг тадбиркорлик субъектларига кредит бериш борасидаги ишидан тадбиркорларнинг катта қисми – 91,2 фоизи мамнунлигини қайд этди. Кўпчилик тадбиркорлар банкдан кредит олишда ҳеч қандай тўсиқ ва қийинчиликлар йўқлигини, кредитлаш бўйича белгиланган барча қоидаларга амал қилинган ҳолда энг юқори даражада хизмат кўрсатилаётганини, банк операциялари ўз вақтида бажарилаётганини кўрсатиб ўтдилар.

Тижорат банкларидан кредит олиш учун тақдим қилинган бизнес лойиҳалар мақсадларини ўрганиш натижасида қуйидаги йўналишлар устуворлиги эътироф этилди: бошланғич капитални ва айланма маблағларни шакллантириш, энг янги технологияларга асосланган ускуналарни сотиб олиш ва ўрнатиш, замонавий талаблар асосида бино ва иншоотларни қуриш, мавжуд бино ва иншоотларни реконструкция қилиш, корхонани илғор технологиялар асосида модернизация қилиш ва бошқалардир.

Шунингдек, банкларнинг микрокредитлаш фаолияти ёрдамида тадбиркорликни бошлаш учун катта имкониятлар вужудга келаётгани, банк тизимида мазкур кредитлаш асосида тадбиркорликни ёшлар ва аёллар ўртасида ривожлантиришга устувор вазифалардан бири сифатида катта эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектлари учун микрокредитлар ажратиш кенг йўлга қўйилганини респондентларнинг 92,8 фоизи эътироф этганлиги буни тасдиқлайди. Шунингдек, фаолиятини микрокредит асосида бошлаган тадбиркорларнинг банк кредитларидан фойдаланиш кўникмалари шаклланиб, кейинги босқичда йирик миқдорда кредитлар олиш имкониятлари кенгаяётгани ҳақида фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга ажратилаётган имтиёзли микрокредитлар самараси бўйича ҳам ижобий фикрлар билдирилди.

Жумладан, мазкур имтиёзли микрокредитлар ёшларнинг ўз бизнес ғояларини амалга оширишни учун катта имконият яратмоқда, уларнинг ўзини ва аҳолини иш билан таъминлашга ёрдам бермоқда.

Жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига оид бизнес лойиҳаларни молиялаштириш учун ажратилаётган кредитлар самараси ҳам сўров натижаларида алоҳида қайд этиб ўтилди. Ушбу кредитлар соҳани ривожлантириш билан бирга аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилашга хизмат қилаётгани, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига яқиндан ёрдам бераётгани, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиб, янги иш ўринлари яратилишига салмоқли ҳисса қўшаётгани кўпчилик томонидан эътироф этилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида аёлларнинг фаоллигини янада ошириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишга қаратилган дастурларни амалга ошириш доирасида тижорат банклари томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар ўз самарасини бераётгани ҳам қониқиш билан қайд этилди.

Сўровда қатнашган респондентларнинг 91,6 фоизи тижорат банклари томонидан тадбиркор аёллар учун кредитлар ажратиш яхши йўлга қўйилганини таъкидлади. Улар томонидан "имтиёзли кредитлар хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрнини янада оширишга, уларнинг турмуш тарзини янада яхшилаш ва моддий фаровонлигини юксалтиришга ҳар томонлама кўмаклашади, хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш, айниқса, қишлоқ жойларида уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга салмоқли ҳисса қўшади", деган фикрлар билдирилди.

Умуман олганда, сўров жараёнларида тадбиркорлик субъектлари томонидан билдирилган фикрлар кредит олиш бўйича банкларга тақдим этилаётган бизнес лойиҳаларнинг ҳозирги кун талабларига тўла мос келаётганлигини кўрсатади.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази сўрови натижалари шундан далолат берадики, мамлакатимизда тадбиркорларга ғамхўрлик ва банк тизимига ишонч уйғунлиги тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг кўламда молиялаш жараёни жамоатчилик, шу жумладан, ишбилармон ва тадбиркорлар томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки етакчилигида мамлакатимиз тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган кенг кўламли банк-молия хизматлари халқимиз фаровонлиги ва мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилмоқда.

**"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази**

## ЭЛ НАЗАРИГА ТУШИШ БАХТИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Сўнгги йилларда ғалла ва ғўза парваришида минерал ўғитлар қаторида суспензия сепиш ва суғоришда "шарбат" оқизиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, "Латифжон ери" фермер хўжалигининг ҳар бир даласи бошида "шарбат" ўраларини кўрасиз. 33 гектардан зиёд майдондаги ғаллазорга 200 тоннадан зиёд гўнг "шарбат" усулида берилди. Икки марта ўтказилган суспензия эса ўсимликнинг ривожига самарали таъсир ўтказди.

Бу муваффақиятларда фермер хўжалигида ишловчи Турсунбой Бозорматов, Баҳриддин Бегматов, Шуҳрат Иброҳимов, Шоҳобиддин Темиров, Тўхтасин Деҳқонов, Муроджон Матқулов, Қодиржон Солиевларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Шунингдек, уруғлик ва товар дон сотиш эвазига фермер хўжалигига 60 миллион сўм атрофида даромад келди. Шундан 20 миллион сўми соф фойда ҳисобланади. Хирмонда қолган 152 тонна доннинг ҳам даромадини қўшсангиз, фермернинг иқтисодий имкониятлари янада кенгайганлиги маълум бўлади.

"Латифжон ери" фермер хўжалигида 41,4 гектар майдонда ғўзанинг "Андижон-35" нави парвариш қилиняпти. Бегали Қодиров билан эгат оралаб шунга амин бўлдикки, ҳар бир ер эгаси зиммасидаги масъулият ғўзанинг бўйбастида кўриниб турибди. Кўсаклар маржондек терилиб қолган. Оқ гуллар, қизил гуллар шу қадар бисёрки, бу ғаллачиликда бўлгани каби пахтачиликда ҳам баракали ҳосил яратилаётганидан дарак беради.

**Қобилжон АСҚАРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

ЭЪЛОН

# «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

### СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА

**I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Сурхондарё вилояти, Музработ тумани ҳокимининг 2012 йил 3 июлдаги 383-сонли қарорига ва 2012 йил 9 июлдаги 01-21/292-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** Автомобилларга суюлтирилган газ қуйиш шохобчаси қуриш учун, Музработ тумани, "Гулистон" ҚФЙ, "Гагарин" маҳалласи ҳудудида жойлашган, 1 дона, 5000 кв.м. ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 790 284 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Музработ тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2012 йил 31 декабргача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 17 август куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Музработ тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 20 август куни соат 11:00 да очилади, 2012 йил 20 август куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 20 августдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2012 йил 4 сентябрь ва 20 сентябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил 3 сентябрь ва 19 сентябрь кунлари соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Музработ тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 4 сентябрь ва 20 сентябрь кунлари соат 11:00 да очилади, 2012 йил 4 сентябрь ва 20 сентябрь кунлари соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

**II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани ҳокимининг 2012 йил 4 июндаги 312 ва 313-сонли қарорларига ҳамда 2012 йил 07 июлдаги 01-10/147-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** Автомобилларга суюлтирилган газ қуйиш шохобчаси ҳамда "тиббий ва авария ёрдамчи объекти (тиббий пункт, дорихона, авария чақириш хизмати, шошилинч чақириш калонкаси)" бинолари қурилиши учун, Бойсун тумани, "Сайроб" ҚФЙ, "Чилонзор" маҳалласи ҳудудидан ўтувчи Ўзбекистон Миллий автомагистрал йўлининг 1373 км.да жойлашган 1 дона, 6000 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 107 428 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бойсун тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2012 йил 31 декабргача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 21 август куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бойсун тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 22 август куни соат 11.00 да очилади, 2012 йил 22 август куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 22 августдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2012 йил 6 сентябрь ва 21 сентябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил 6 сентябрдаги такрорий савдо учун 5 сентябрь 20 сентябрь кунлари соат 18.00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бойсун тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 6 ва 21 сентябрь кунлари соат 11.00 да очилади, 2012 йил 6 ва 21 сентябрь кунлари соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

**III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани ҳокимининг 2011 йил 20 сентябрдаги 452-сонли қарорига ва 2012 йил 11 июлдаги 01-4/99-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи такроран танловга қўйилмоқда:**

**1.** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Олтинсой тумани, "Қорлиқ" ҚФЙ, "Марказ" маҳалласида жойлашган 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 ва 10-сонли, 10 дона, ҳар бири 42,0 кв.м.дан бўлган ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 17 376 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Олтинсой тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2012 йил 31 декабргача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 2 август куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Олтинсой тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 3 август куни соат 11.00 да очилади, 2012 йил 3 август куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 3 августдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2012 йил 21 август ва 5 сентябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил 20 август ва 4 сентябрь кунлари соат 18.00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Олтинсой тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 21 август ва 5 сентябрь кунлари соат 11.00 да очилади, 2012 йил 21 август ва 5 сентябрь кунлари соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

**Танлов ташкилотчиси** - "KMSX" МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали. Танлов ташкилотчисининг манзили: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, "Тадбиркорлар маркази" биноси. Тел/факс: (8-376) 227-57-94. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. **Лицензия** № RR 0001.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- танлов ташкилотчисининг банк ҳисобрақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;
- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: ХОАББ "Траст банк" Термиз шаҳар филиали, 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, "Тадбиркорлар маркази" биноси.

**Ташкил этилаётган танлов савдолари бўйича савол ёки эътирозларингиз бўлса, қуйидаги ишонч телефонларига мурожаат этишингизни сўраймиз: (+99871) 228-78-96, 228-80-23. Факс: (+99871) 228-80-26. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz**

**«Ko`chmas mulk savdo xizmati» масъулияти чекланган жамияти кўчмас мулк бозорида фаолият кўрсатаётган барча юридик ва жисмоний шахсларни ҳамкорликка таклиф этади. Жамиятимизда сизларга барча турдаги кўчмас мулклар, шу жумладан, уй-жойлар ва квартиралар бўйича юқори даражада сифатли риэлторлик хизматлари кўрсатилиши кафолатланади.**

Ташкилотлар ва корхоналар диққатига!

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ АМУ-СУРХОН ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Лот 5-1: Сурхондарё вилояти Ангор, Қизириқ, Шеробод ва Термиз туманларидаги “Ўзбекистон мустақиллиги 10 йиллиги”, “Таллимарон”, “Тўрабек”, “К.Туляков”, “Амударё Гулбаҳор”, “Меҳнатобод”, “Пахтакор” ва “Ўзбекистон” СИУлар ҳудудидаги узунлиги 81,024 км. бўлган коллекторларни тизимли таъмирлаш ва тиклаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи** қўшилган қиймат солиғисиз – 430,315 млн. сўм, **ишларни бажариш муддати** – 90 кун.

**Лот 5-2: Сурхондарё вилояти Бойсун ва Денов туманларидаги “Наврўз” ва “Ш.Бекмирзаев” СИУлар ҳудудидаги узунлиги 28,893 км. бўлган коллекторларни тизимли таъмирлаш ва тиклаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи** қўшилган қиймат солиғисиз – 176,841 млн. сўм, **ишларни бажариш муддати** – 80 кун.

**Буюртмачи:** Сурхондарё вилояти Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги гидрогеология мелиоратив экспедицияси. **Манзили:** Термиз шаҳри, М.Қаҳҳор кўчаси, 10-уй. Тел.: (8-376) 222-86-38, 223-65-51, 223-67-00 ф.

**Таъмирлаш ва тиклаш ишларини молиялаштириш** – Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат харидлари Ҳукумат комиссиясининг 2011 йил 30 декабрдаги 4-сонли баённомаси қарорларига асосан мазкур танлов савдоларида қатнашувчилар таркиби бўйича кичик бизнес соҳасига кирувчи ташкилотлар учун квота миқдори 35 фоизни ташкил қилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **“Давархитекткурилиш” қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳар А.Темур кўчаси 69-уй. Телефон/Факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – объектларнинг қийматига қараб 70 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши, уларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Термиз шаҳар А.Темур кўчаси 69-уй**да ўтказилади.

Барча қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ 2012 ЙИЛДА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Объект номи: “Сирдарё” божхона постида 2 дона автотарози ўрнатиш ишларини амалга ошириш.**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан 130 080 386 сўм, ҚҚСсиз 108 400 322 сўм.

**Қурилиш муддати:** 90 кун.

**Қурилиш ишларини молиялаштириш:** Божхона бошқармаси ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачининг манзили:** Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар Г.Абдураҳманова кўчаси 7, тел: (8367) 227-89-08.

**Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** ҳисобрақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 % миқдоридаги бўш айланма маблағлари бўлиши, ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми 50 фоиздан кам бўлмаслиги шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февраль ПП-1475 сонли қарорига асосан, давлат бюджети маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500,0 млн. сўмгача бўлган қурилиш ва қайта қуриш объектларига ўтказилган танлов савдолари, фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади, иншоотларни мукаммал таъмирлаш объектлари бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100 % ташкил қилади.

Танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Тел (факс): (8 367) 227-64-42

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — офёрталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин ўтказилади.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

## «ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**“Жиззах вилояти Зомин тумани электр таъминоти корхонаси икки қаватли ишлаб чиқариш биносининг қурилиши, мавжуд майдондаги кириш қисми ва ободонлаштириш ишлари”**

**Объектнинг бошланғич қиймати:** ҚҚСсиз 836,405 млн. сўм, ҚҚС билан 1 003,686 млн. сўм.

**Ишларни тугаллаш муддати:** 2012 йил 1 ноябргача.

**Ишларни молиялаштириш** буюртмачининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачи манзили:** Жиззах шаҳри Садовая кўчаси 60-уй.

Телефон: +99 872-222-37-56.

**Диққат!** Бошланғич қиймати 500 миллион сўмдан ортиқ бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича бошқа тенг шароитларда кичик бизнес субъектларига аҳамият берилади.

**Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:** танлов савдоси предметининг 20 % миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларнинг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Жиззах ш. Ш.Рашидов шоҳ кўчаси 63-уй, 425-хона. Тел./факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 120 минг сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Офёрталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Жиззах ш, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), мажлислар зали.

Кичик бизнес субъектлари раҳбарлари диққатига!

## СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Наманган вилояти Чортоқ тумани Чортоқ шаҳри Мустақиллик кўчасидаги суд ижроси бўлимига маъмурий бино қуриш.**

**Объектнинг бошланғич нархи** ҚҚС билан 241 932 479 сўм, ҚҚСсиз 201 610 399 сўм.

**Якунлаш муддати** – 4,5 ой.

**Буюртмачи:** Наманган шаҳри Ш.Шерозий кўчаси пр 3, 5-уйда жойлашган Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси.

Тел.: (8-369) 233-03-71, факс 233-49-04.

**Лойиҳани молиялаштириш:** Ўзбекистон Республикаси Адлия уюшмаларини ва судларни ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

500 млн. сўмгача қийматда бўлган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ишларни бажариш учун пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

**Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар шундай талабларга жавоб беришлари керак:** танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хориж қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:

Қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолаш ва ўтказишда хориж ишларини (хизматларни) таъминлаш бўйича танлов таклифлари берилганда хориж товарларини етказиб берувчилар қўшимча қиймат солиғидан қонун доирасида озод бўлганини инобатга олган ҳолда имтиёздан келиб чиққан фарқ миқдорини берилган таклифга қўшимча равишда ҳисобланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси**га қуйидаги манзилга: Наманган шаҳри Ш.Шерозий кўчаси пр 3, 5-уйда, тел.факс: (8-369) 233-03-71, 233-49-04 мурожаат қилиш мумкин.

Танлов ҳужжатларининг битта тўплами нархи – 80 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — офёрталарни очилиш куни ва соати.

Таклифлар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин, қуйидаги манзилда очилади: **Наманган шаҳри Ш.Шерозий кўчаси пр 3, 5-уйда.**




Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ БАХМАЛ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**“Жиззах вилояти Бахмал тумани Ўсмат шаҳарчасидаги туман ҳокимлиги биноси фасадини капитал таъмирлаш”**

**Объектнинг бошланғич қиймати:** ҚҚСсиз 115,832 млн. сўм, ҚҚС билан 138,998 млн. сўм.

**Ишларни тугаллаш муддати:** 2012 йил 1 октябргача.

**Ишларни молиялаштириш** маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачи манзили:** Жиззах вилояти Бахмал тумани Ўсмат шаҳарчаси Мустақиллик кўчаси 42-уй.

Телефон: +99 872-412-14-46.

**Диққат!** Бошланғич қиймати 500 миллион сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

**Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:** танлов савдоси предметининг 20 % миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларнинг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

Жиззах ш. Ш.Рашидов шоҳ кўчаси 63-уй, 425-хона. Тел./факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 70 минг сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Офёрталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: **Жиззах ш, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), мажлислар зали.**

Союз производителей мебели и продукции деревообработки “O‘ZSOYUZMEBEL” (свидетельство о гос. регистрации юридического лица, выданное Министерством Юстиции Республики Узбекистан, протокол № 1018 от 18.08.2004 г.; реестр № 13; ИНН 205201279) в соответствии с протоколом общего собрания членов № 01 от 27.06.2012 г., ликвидируется. Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования данного объявления по адресу: г. Ташкент Юнусабадский р-н проспект А.Темура д. 95а 3-й этаж комната № 303. Тел.: (+99897) 701-18-80.

“Тошкент ш. Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати” ДУК томонидан Исаханова Гулнара Сабитовна номига берилган ТА 0837735 сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный аттестат O‘R-B № 085106, выданный в 2002 г. шк. № 64 (ЦОВ) Учтепинского р-на г. Ташкента на имя Горяновой Светланы Александровны, считать недействительным.

## МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

**Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд**

- Экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-П (Б) бульдозер
- Бульдозер погрузчик БЛ-750
- Экскаватор-погрузчик цепной ЭП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- “Беларусь” (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- Запасные части к тракторам “Беларусь”
- Шины различных моделей



маҳсулот сертификатланган

Т.: (+99897) 157 7274, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

“Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати” ДУК томонидан жисмоний шахс Камилов Каримджан Хабибович номига Сергели тумани 3-мавзе Ярмарка бозори манзилида жойлашган дўкон учун берилган (форма 18) маълумотнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный план на квартиру расположенной по адресу: г. Ташкент Учтепинский р-н Чиланзар-21 кв-л д. 1 кв-ра 90, выданный Учтепинским БТИ на имя Юнусовой Халимы Джураевны, считать недействительным.

ЧП “YORQIN NIGOH” (ИНН 302331117), зарегистрированное решением хокимията М.Улугбекского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: мавзе Олой, д. 15 кв-ра 47, ликвидируется (решением собрания учредителей от 13.07.2012 г. протоколь № 1). Претензии принимаются в течение 1 месяца с момента опубликования данного объявления.

“DILZAF” МЧЖнинг Тошкент вил. Оққўрғон т.дан берилган “Таъсис шартномаси” (№ 129/1220, 01.06.2009 й.) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ДАУ қошидаги Қибрай Академик лицейи томонидан 2012 й.да Аллозов Солохиддин Сулаймонкулович номига берилган L № 151752 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

“Тошкент ш. Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати” ДУК томонидан Убайдуллаев Жалолбек Хабибуллаевич номига 27.06.2012 й.да берилган № 4042 сонли маълумотнома (справка) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО “ILG‘OR PARRANDA” (ИНН 301269763), зарегистрированное ИРСП Сергелийского р-на г. Ташкента (реестр № 002137-06, 23.07.2009 г.; перерегистрация от 23.01.2012 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент Сергелийский р-н ул. С.Олимова, 10, решением на правах единственного участника общества № ЛИК-1 от 13.07.2012 г., самоликвидируется. Претензии принимаются в течении двух месяцев с момента опубликования.

Утерянную круглую печать, выданную хокимиятом Кибрайского р-на на ООО “AZIZ-SURAYO-FARM”, считать недействительной.

ООО “KASKAD TRADE” (ИНН 206959591), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г. Ташкента (реестр № 003799-08, 24.04.2008 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент ул. Гавхар д. 122, ликвидируется (Протокол № 2 от 16.07.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

Утерянный план и гувохнома (TS № 0085588) дома, расположенного по адресу: г. Ташкент Яккасарайский р-н Яккасарай ул. 3 проезд д. 5 “а”, выданный БТИ Яккасарайского р-на г. Ташкента на имя Аминжанова Эркина Базаркановича, считать недействительным.

ООО “ORIGINAL SIZE BUSINESS” (ИНН 301905944), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. Боғ блок-28 д. 10, ликвидируется (протокол собрания № 1 от 16.07.2012 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 469-72-01.

“Агробанк” ОАТБ жамоаси банкнинг Биринчи бўлими бошлиғи Венера Акчуринага турмуш ўртоғи **Акчурин Ильдар Наримановичнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (8-361) 352-54-58; Андижон – (8-374) 970-99-13; Бухоро – (8-365) 593-27-57; Жиззах – (8-372) 366-61-16; Навоий – (8-366) 921-50-08; Наманган – (8-369) 562-19-59; Фарғона – (+998-91) 137-06-83; Самарқанд – (+998-97) 756-68-27; Сирдарё – (8-367) 588-06-89; Тошкент – (+998-97) 800-29-61; Хоразм – (8-362) 520-69-14; Қашқадарё – (8-375) 229-17-29.

Реклама ва эълонлар – 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи муҳаррир: Ш.ЙЎЛДОШЕВ
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУХАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-714, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.40
16180 нусхада босилди. Нашр индекси — 144
Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.
1 3 4 5